

Хитойда чоп этилган Қуръони каримлар Париждаги кўргазмада намойиш этилди



14:42 / 04.12.2018 2318

ХХР да нашр қилинган Қуръони каримлар ЮНЕСКО томонидан Парижда ташкил этилган кўргазмада намойиш этилди, деб хабар беради IQNA.

Кўргазмада Хитойда нашр қилинган Қуръони каримлардан ташқари, Виянадаги қадимий масжид чироқлари ва рус тилида Марям онамиз мадҳ этилган Эрон гилами ҳам ўрин олган. Шунингдек, бу ерда Осиёдан Хитойга ва Ўрта Шарққа келтирилган диний ва маданий мерослар намуналари ҳам зиёратчиларга тақдим этилган.

ЮНЕСКО ушбу кўргазмаси “Маданий мулоқот кенгаши” номи остида ташкил этилди. Кўргазма 14 декабргача давом этади.

